

**“УЮН АЛ-МАСАИЛ” АСАРИНИНГ ЁЗИЛИШ УСЛУБИ ВА ТАРКИБИЙ
ТУЗИЛИШИ**

Бекмирзаев Илхомжон Исроилжонович

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
“Ижтимоий фанлар ва ҳуқуқ” кафедраси
профессори, тарих фанлари доктори
e-mail. ilhomorient@gmail.com*

Исматуллаев Ислombек Ахмедович

*“Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ISESCO” кафедраси магистранти*

Аннотация. *Абу Лайс Самарқандийнинг «Уюн ал-Масаил» асари ҳанафий фикҳига оид муҳим манба бўлиб, унинг ёзилиш даврида Самарқандда фикҳни аҳолиге ўргатишда муҳим аҳамият касб этган. Асар ўқувчиларга фикҳий масалаларни осон ва тушунарли қилиб баён этган бўлиб, ижтимоий ҳаётдаги муҳим масалаларни қамраб олган. Муаллиф ўзи фикҳий масалаларни Қуръон оятлари, ҳадислар ва ҳанафий мазҳаб уламоларининг фикрларига таянади. Асарнинг ўзига хослиги шундаки, у мухтасар ва ёрқин услубда ёзилган бўлиб, ҳар бир масала учун қисқа, тўғри ва тушунарли ҳаллар келтирилган. Ушбу асар фақат таълим муассасаларида, балки оммавий китоб сифатида ҳам кенг тарқалган. «Уюн ал-Масаил» асарининг муҳим жиҳати шундаки, у фикҳий масалаларни фақат олимлар учун эмас, балки умумий аҳоли учун ҳам тушунарли қилиб ёзилган.*

Kalit so‘zlar: *Абу Лайс Самарқандий, Уюн ал-Масаил, ҳанафий фикҳ, фикҳий масалалар, Қуръон, ҳадис, мазҳаб, таълим, фатво, омма, мухтасар ёзиш, фикҳий манба.*

Абу Лайс Самарқандийнинг ҳанафий фикҳига оид муҳим асарларидан бири «Уюн ал-Масаил» (Фикҳ булоқлари) китоби муаллиф ҳаётининг талабаларга таълим бериш даврида ёзилган. Абу Лайс Самарқандий фуруъ ал-фикҳ йўналишида ўнлаб асарлар ёзганига қарамадан ўз шогирдларига дарс бериш жараёни улар учун фикҳ фанидан мухтасар ва халқчил услубда китоб таълиф этишга сабаб бўлган. Натижада олим кўп йиллик тажрибаси асосида ўрганиш ва таълим бериш асосида шаклланган илмий салоҳиятини ишга солиб, «Уюн ал-Масаил» асарини ёзган. Олим вафотидан сўнг ушбу асар ҳанафий фикҳи назариясидан асосий манба сифатида эътироф этилиб, бир неча асрлар мобайнида мадрасаларда дарс беришда кенг қўлланилган. Кўплаб ҳанафий олимлар томонидан асарга изоҳлар битилган. Асар қўлёзмаларининг дунёнинг

турли минтақаларида кенг тарқалгинининг ўзи ҳам сўзимизнинг исботи бўла олади. Шунингдек, мазҳаб фикҳига оид баъзи китобларни ёзишда ушбу асар асос бўлиб хизмат қилган.

«Уюн ал-Масаил» асари мухтасар қилинган фатво жанрида ёзилган фикҳий матн бўлиб, кўп ўринларда мавзуга кириш қисми келтирилмайди-да, бирдан ҳукмлар ва масалалар баён қилинаверади. Муаллиф асарни дарс бериш вақтида ўзига эслаб олиш учун ёзган кўринади. Ёки бу даражада қисқа келтириш муаллифнинг руҳиятига боғлиқдир. Олим асарни ёзишдан олим ҳам, илмсиз бўлган авом халқ ҳам бирдек фойда олишини мақсад қилган. Шунинг учун лафзларни ўзини зикр қилиб, кўплаб мавзуларнинг таърифларини келтирмаган.

«Уюн ал-Масаил» асарининг аҳамиятли жиҳатларидан бири шуки, уни ўқиган инсон бир қарашдаёқ, асарда ислом фикҳи қоидалари содда ва равон тилда келтирилганига гувоҳ бўлади. Асар фақат толиби илмлар учунгина эмас, балки омма инсонлар ҳам мурожаат қила оладиган китоб бўлишига аҳамият берилган. Масалалар ҳар қандай таърифларсиз, содда ва равон баён қилинган. Буни муаллиф тарафидан ёзилган қисқагина асар муқаддимасидан ҳам билиб олиш мумкин:

«Билинг-ки, фикҳ гўзал бир фан бўлиб, бошқа илмлардан кўра муҳимроқдир. У шариат ва дин илмидир. Шариат қоидалари у билан тўғри бўлади. Шунинг учун ҳар бир билимли ва билимсиз оқил инсон уни ўрганиши, ҳеч бўлмаса, Аллоҳ таолонинг фарзларини адо қила оладиган даражада ундан истифода этиши шарт ва лозимдир».

Муқаддимадаги бу ва кейинги иборалар орқали муаллиф фикҳ илми ҳар бир ўқувчига, хоҳ у олим ёки илмсиз бўлсин тушунарли бўлиши, балоғатги етган ҳар бир инсон дунё ва дин ишларида ундан фойдалана олишини ирода қилганини тушуниш қийин эмас. Чунки фикҳ бўйича уни ўрганувчилар учун махсус китоблар ёзилганидек, омма учун ҳам енгилроқ асарлар ёзилиши шарт. Бунинг сабаби шариат олимга ҳам, илмсизга ҳам бирдек жорий қилинади. Бу эса фақат фикҳ билан тўғри бўлади. Фарб олимлар бу ҳақиқатни англаган ҳолда ҳар бир ватандошларини тўғри йўлда ушлаб туриш учун ҳуқуқий асарларни ёзишган. Бундан унинг кунлик ҳаёти, юриш-туриши тартибли бўлиши, турли қийинчиликлардан холи бўлиши мақсад қилинган.

Асарнинг эътиборли жиҳатларидан яна бири ундаги ибора ва жумлалар аниқлиги, у ўзида барча фикҳий бобларни қамраб олгани, услуби равшанлиги ҳамда чигалликлардан холи эканидир¹.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, «Уюн ал-Масаил» асари қисқа бўлса-да, ўзида деярли барча масалаларни қамраб олган асарлардан ҳисобланади. Шунинг

¹ Абу-л-Лайс Самарқандий. «Уюн ал-Масаил». Сайид Муҳаммад Муҳанний таҳрири остида. – Байрут: Дорул-кутуб илмийя, 1998.

учун асарнинг бошқа фикҳий манбалар орасида ҳақиқий ўрнини очиб бериш учун у бўйича комплекс тадқиқотлар олиб бориш лозим.

Асарни ўқиган ҳар бир инсон унинг ёзилиш услубидан ҳайратга тушади. Абу Лайс Самарқандий қандай қилиб ҳар бир бобдаги лафзларни танлаб, қисқа-қисқа жумлалардан хохлаган маъносини чиқара олиш услубини юқори баҳолаш мумкин.

Асар ҳанафий уламолар наздида мўътабар манба ҳисобланган. «Кашф аз-зунун» да «Уюн ал-Масаил» асари ҳақида шундай дейилади: «Уюн ал-Масаил» Наср ибн Муҳаммад фақиҳ Самарқандий Ҳанафийнинг фикҳга оид мухтасар китоби. Асарда турли фикҳий масалалар, фақиҳларнинг фикҳий масалалар бўйича ҳар хил қарашлари жамланган»².

«Уюн ал-Масаил» асари ўзига хос услуб ва кўринишда ёзилган. Бу ўзига хослик асарнинг таркибий тузилиши, мавзулар кўлами, ибораларнинг қўлланиш ўрни, оят ва ҳадислар, саҳобалар сўзи ва қиёдан далил сифатида фойдаланиш кўринишлари, айрим масалаларда аҳли сунна вал жамоанинг тўрт мазҳабга оид қарашларининг қиёсий таҳлилида намоён бўлади.

Муаллиф асарда фикҳий масалаларни қисқа иборалар билан ўқувчига тушунарли шаклда, узундан узоқ изоҳларсиз баён этади. Натижада, ўқувчида мавзунини осон ва тез эслаб қолиш имконияти пайдо бўлади. Бу Самарқандийнинг асарини ёзишдан кўзлаган мақсад ҳамда методи ҳисобланади.

«Уюн ал-Масаил» асарида бўлим ва боблар сони бошқа фикҳий фикҳий матнларга қараганда кўпроқни ташкил этиши муаллиф яшаган даврда айрим масалалар долзарб аҳамият касб этгани сабаб бўлган. Жумладан, никоҳ, талок, рожъий талок, хулуъ, зиҳор, идда, нафақалар, фарзанд тарбияси каби масалалар алоҳида бўлимга ажратилиб, баён этилган. Шунингдек, бошқа китоблардан фарқли равишда, «Уюн ал-Масаил» асарида истехсон, жинойтлар, хун тўлаш, фароиз (мерос), масжид ҳақ-ҳуқуқ ва одоблари, куфр лафзлари каби масалалар алоҳида бўлимга ажратилган.

Мусанниф асарида масалаларни Қуръон оятлари ва ҳадислардаги далилларга суянган ҳолда келтиради.

Абу Лайс Самарқандий фикҳий масалаларни Ҳанафий мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собит (ваф. 150/767 й.) ҳамда унинг шогирдлари: Абу Юсуф (ваф. 182/798 й.), Имом Муҳаммад (ваф. 189/805 й.) ва Имом Зуфар (ваф. 158/775 й.)нинг сўзларига таянган ҳолда баён этади. Мазҳаб имомларининг айрим масалалардаги фарқли фикрлари юзага келган ўринда Самарқандий кўпроқ Абу Ҳанифанинг сўзига таянади. Баъзи ўринларда эса

² Абу-л-Лайс Самарқандий. «Уюн ал-Масаил». Сайид Муҳаммад Муҳанний таҳрири остида. – Байрут: Дорул-кутуб илмийя, 1998.

Имом Муҳаммад сўзларини қувватлаган. Бу муаллифни бошқа фақиҳлардан ажратиб турувчи хусусиятлардан бири саналади.

«Уюн ал-Масаил» асарида масалаларни баён этишда ўзига хос иборалар қўлланилган бўлиб, маълум олим ёки асарга ишора қилади. Жумладан, قَالَ – «қолаа» (Иккаласи айтади) ибораси мазҳаббошилар Абу Юсуф ва Имом Муҳаммаднинг сўзига, – «иънда Аби Ҳанифа» (Абу Ҳанифа наздида) ибораси Ҳанафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собитнинг сўзига, – «иънда Аби Ҳанифа ва Аби Юсуф ва Муҳаммад» (Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад наздида) ибораси мазҳаббошилар Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари Абу Юсуф ҳамда Имом Муҳаммаднинг бир масала юзасидан айтган бир хил қарашларига, – «иънда Аби Ҳанифа ва Аби Юсуф» (Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф наздида) ибораси мазҳаббошилар Абу Ҳанифа ва унинг шогирди Абу Юсуфнинг бир масала юзасидан айтган бир хил фикрларига, – «иънда Аби Ҳанифа ва Муҳаммад» (Абу Ҳанифа ва Муҳаммад наздида) ибораси мазҳаббошилар Абу Ҳанифа ва шогирди Муҳаммаднинг бир масала юзасидан айтган бир хил сўзига, – «иънда Аби Юсуф ва Муҳаммад» (Абу Юсуф ва Муҳаммад наздида) ва – «иъндахума» (Иккаласи наздида) ибораси Абу Юсуф ва Имом Муҳаммаднинг бир масала юзасидан яқдил қарашларига, – «иънда Аби Юсуф ва Зуфар» (Абу Юсуф ва Зуфар наздида) ибораси Абу Юсуф ва Имом Зуфарнинг бир хил фикрларига, – «иънда Аби Юсуф» (Абу Юсуф наздида) ибораси Абу Юсуфнинг ўз қарашига, – «иънда Муҳаммад» (Муҳаммад наздида) ибораси Имом Муҳаммад билдирган фикрга, – «иънда Зуфар» (Зуфар наздида) ибораси Абу Ҳанифанинг яна бир катта шогирди Имом Зуфарнинг маълум масалалар бўйича айтган ўз қарашига, – «иънда Шофеий» (Шофеий наздида) ибораси Шофеий мазҳаби асосчиси Имом Шофеийнинг сўзига, – «иънда уламоина» (Уламоларимиз наздида) ибораси эса ханафий фақиҳларининг сўзларига ишора қилади.

Унинг даврида ханафий мазҳаби олимларининг китоб шаклига келтирилган асарлари камчиликни ташкил қилар эди. У ушбу давр ханафий фақиҳлари қаторида Муҳаммад Шайбонийнинг “Ас-Сияр ал-кабир” асари таянган.

Абу Лайс асарларида фикҳий масалаларни ечиб беришда ўзига хос услубни танлайди. Жумладан, асарида фикҳий масалаларни ёритишда «баъзилар бундай деганлар» деб бир ёки бир нечта фақиҳлар сўзларини номларини келтирмай зикр этади. Баъзан эса фикҳий мазҳаб имомлари номларини ҳам зикр этади. Аллома фикҳий масалалар мазҳабларга кўра турли ечилган бўлса, у мазҳаб уламоларининг сўзларини келтириб, кейин «мана шу бизнинг уламоларимизнинг сўзи» деб ханафий мазҳаби қарашини ажратиб кўрсатади. Ёки бир қанча фикҳий муноқашаларни келтириб, ўз мазҳабига алоқадор фикрни ажратиб, «шуни оламиз» деб айтиб ўтади.

Айрим ўринларда фақат ҳанафий мазҳаби уламолари номларини зикр этмай фикҳий ҳукми келтириш билан чегараланади.

Умуман, Абу Лайс Самарқандийнинг фикҳ илмида, хусусан, ҳанафий мазҳаби фикҳи бўйича ўрни манбаларда зикр этилган. Жумладан, «Тарих ат-ташриъ ал-исломий» асари муаллифи тўртинчи ҳижрий асрда ҳанафий фикҳининг тараққий этишида алоҳида ўрин тутган 20 та фақиҳни зикр этиб, улар орасида Абу Лайсни таъкидлайди: «У ўз даврида илк бора ўзидан олдинги мужтаҳид, фақиҳларнинг қарашларини жамлаб, уларнинг фикҳий ҳукмларини таҳлил этиш, бирини бошқасидан устун қилиш, улардан ривоят қилинмаган масалалар юзасидан уларга қиёсан фатволар чиқаришни бошлаб берган фақиҳдир».

Абу Лайс Самарқандий ҳаёти ва асарлари, хусусан «Уюн ал-Масаил» асарини таҳқиқ қилган Доктор Салоҳиддин Ноҳий хулосасига кўра олимнинг «Уюн ал-Масаил» ва «Хизанату-л-фикҳ» асарлари мадрасаларда ёдланадиган ва ўқиладиган матнлар бўлганини айтади. Бу борада «Уюн ал-Масаил» асарининг мавжуд қўлёзма нусхаларини аниқлаш ва уларнинг манбашунослик таҳлилин амалга ошириш замонавий исломшунос ва манбашунос олимларнинг вазифаларидан бири бўлиб, қўлёзмаларни тадқиқ этиш орқали асарнинг тўлиқ матни ва мазмунини аниқлаш ҳамда уни кенг жамоатчиликка етказиш мумкин бўлади.

Асар жами 80та мустақил бўлимдан иборат, таҳорат бўлиmidан бошланиб истеҳсон қисми билан якун топади. Ҳар бир мавзу аввалида умумий тушунчалар берилган. Асарга ҳанафий фикҳининг бошқа манбаларидан фарқли равишда, фароиз ва масжид одоблари бўлими ҳам киритилган. Мазкур асар юқорида айтилганидек, Салоҳиддин Ноҳий томонидан 1965-1967 йиллар давомида ўрганилиб, Бағдодда, муаллифнинг «Уюн ал-Масаил» китоби билан бирга нашр этилган.

Аллома ўз асарида асосан, Абу Ҳанифа, Абу Юсуф, Муҳаммад Шайбонийларнинг фикҳий қарашларини келтирган. Асарда келтирилган ҳар бир китоб бошқа фикҳий китобларга нисбатан қисқа ҳолда берилган. Ҳар бир мавзу аввалида ўша мавзу ҳақида тўхталиб, унинг қай ҳолатда жоиз ва қандай ҳолатда ботил бўлиши батафсил баён этилган. Мисол учун, китоб сўнгида келган азон ҳақидаги бобда муаззинга қўйиладиган шартлар баён этилган. Кейинги бобда эса, имом-хатибга қўйиладиган шартлар келтирилган. Мазкур икки бобдан сўнг ўз ичига эътиқод тамойилларини олган алоҳида бир боб берилган бўлиб, унда инсонни диндан чиқарадиган етмишдан ортиқ лафзлар санаб ўтилган. Охириги

бобда эса, касб ўрганиш ва унинг фазилати ҳамда ҳар бир мўминнинг сийратида учраши лозим бўлган одоб қоидалари ҳақида маълумот берилган³.

Абу Лайс Самарқандий «Уюн ал-Масаил»даги фикҳий масалаларнинг ечими ишончли, одамларга тушунарли ва эса сақлаб қолиш осон бўлиши учун уларни куйидаги манбалар асосида баён этган:

- Қуръони карим оятлари;
- Пайғамбар алайҳиссалом суннатлари;
- Турли мазҳаб асосчилари – Ҳанафий, Моликий, Шофеий каби имомларнинг фикрлари;
- Ҳанафийлик мазҳаби доирасидаги мужтаҳид уламоларнинг фикрлари;
- Бошқа фақиҳларнинг сўзлари ва баъзи фикҳий манбалардан, шу жумладан, ўзининг “Хизонату-л-фикҳ”, “Ан-Навозил фил-фуруъ” номли асарларидан келтирилган иқтибослар;
- Муаллифнинг ўзи берган фатволар.

«Уюн ал-Масаил» асарининг аҳамиятли жиҳати шундаки, у бошқа фикҳий асарлар сингари фароиз (мерос илми) билан тугаб қолмаган. Балки мазкур бобдан кейин Абу Лайс Самарқандий масжиднинг ҳақ-ҳуқуқлари истеҳсон ҳақида ва унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ҳақида батафсил маълумот берган. Бу эса – бошқа фикҳий асарларда учрамайдиган мавзулардир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абу-л-Лайс Самарқандий. «Уюн ал-Масаил». Сайид Муҳаммад Муҳанний таҳрири остида. – Байрут: Дорул-кутуб илмийя, 1998.
2. Абу Лайс Самарқандий. Хизонату-л-фикҳ ва Уюну-л-масоил. Икки жилдли / Салоҳиддин Ноҳий янги таҳрири остида. – Бағдод: Дор ал-қавмия, 2020. – 480 бет.
3. Абдуллаев И. Ҳикматуллаев Ҳ. Самарқандлик олимлар.–Т.: Фан, 1969.
4. Абдуллаев И. Файзуллаев О. Беруний ва унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар асари. – Т.: Фан, 1968.
5. Абдуллаев А. Абу Мансур Мотуридий ва исломий эътиқод // Ўзбекистон мусулмонлари. –Т.: 1997. – № 1-4. –Б. 18-19.
6. Абдуллаев А. Абу-л-Лайс Самарқандий. // Имом Бухорий сабоқлари. – Т.: 2002. – № 1. – Б. 76-78.
7. Абдуллаев А. Абу-л-Лайс Самарқандий. // Буюк алломаларимиз. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002.

³ Абу Лайс Самарқандий. Хизонату-л-фикҳ ва Уюну-л-масоил. 2 жилдли. Салоҳиддин Ноҳий янги таҳрири остида. – Бағдод: Дорул-қавмия, 2020. – Ж.2. – Б.:13.

8. Абдуллаев А. «Абу-л-Лайс Самарқандийнинг Мовароуннахр тафсиршунослигида тутган ўрни». Тарих фанлари номзоди.. дис. Т.: Тошкент ислом университети, 2007.
9. Абдуҳалимов Б.А. «Байт ал-хикма и научная деятельность среднеазиатских ученых в Багдаде» (IX-XI вв. Естественные науки). Тарих фанлари доктори.. дис. Автореф. Т.: Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. 2001.